



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғойбназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

| | |
|---|-----|
| МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ | |
| Вехзоджон Усмонович Шермухамедов Тижорат банклари депозит сиёсатининг қийосий таҳлили | 149 |
| Хуббим Аскарлович Улашев Иқтисодийнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни | 153 |
| БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ | |
| Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили | 158 |
| Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи | 162 |
| Бобур Фарходович Боронов Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш | 166 |
| БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ | |
| Шавкат Собирович Олтаев Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар | 171 |
| Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Марказий Осиё илм-фани ривожига Амир Темур ва Темурийларнинг туган ўрни | 175 |
| ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА | |
| Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир. | 180 |
| Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари | 184 |
| Садулла Шодиевич Уразов Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида | 188 |
| Ҳилола Нематовна Очилова Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари | 192 |
| ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР | |
| Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб. | 197 |
| ИБРАТЛИ БИТИКЛАР | |
| Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар. | 198 |

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Анвар Нематович Холиқулов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси
мудири, и.ф.н., доцент

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ КЎП ОМИЛЛИ КОРРЕЛЯЦИОН-РЕГРЕССИОН ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорлигини оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили, хизмат кўрсатиш соҳаси умумий тушуми кўрсаткичининг ўзгаришига таъсири аниқланган.

Калит сузлар: иқтисодий ўсиш, самарадорлик, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлиги.

Кириш. Соҳаларнинг ривожланиши қачон содир бўлади, қачонки шу соҳада манфаатдорлик, яъни самарадорлик юқори бўлса ривожланиш содир бўлади. Иқтисодий ўсишни таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим драйверга айланишига, яъни келажакда янада ривожланишига асосий сабаблардан бири, бу соҳада кам харажат қилиб юқори даромад олиш имконияти мавжудлигида. Бундан ташқари мамлакатимизда ишсизликни таъминлашда энг асосий омиллардан бири эканлигидадир.

Ҳар қандай соҳанинг истиқболини аниқ белгилаш учун аниқ рақамлар орқали математик усулларни қўллаган ҳолда бир қанча амалларни бажаришга тўғри келади. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳамда Самарқанд вилояти бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида умумий тушумга омиллар таъсирини аниқлаб чиқдик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методологик масалаларини ўрганишга мамлакатимиз олимлардан¹ М.Қ.Пардаев, М.М. Мухаммедов, Қ.Ж. Мирзаев, О.М. Пардаев, И.С.Тухлиев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш учун натижавий кўрсаткич сифатида унинг умумий тушуми олинди. Хизмат кўрсатиш соҳаси умумий тушуми кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган қуйидаги омиллар танлаб олинди:

X₁- Аҳоли даромадлари (умумий), млрд.сўм;

X₂- Қайта молиялаш ставкаси, фоиз;

X₃- Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар сони, дона;

X₄- Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сони, минг киши;

X₅- Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳолининг меҳнат унумдорлиги даражаси;

X₆ – Сўмнинг хорижий валютага нисбатан курси (АҚШ долларига нисбатан) сўм;

X₇- Умумий инвестициялар миқдори, млрд.сўм;

X₈- Инфляция даражаси, фоиз;

У – Хизмат кўрсатиш соҳасида умумий тушум, млрд. сўм.

¹ Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2021. 186 б.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.; Тухлиев И.С., Турсунова Г.Р. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг асосий йўналишлари. // «Сервис» илмий – амалий журнали, 2012 йил, 4-сон. – 43-48 б.

Ушбу омилларнинг натижавий кўрсаткичга, яъни хизмат кўрсатиш соҳасида умумий тушум ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун корреляция ва регрессия таҳлили усулларидан фойдаланилди. Мамлакатимизда Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам энг аввало биз Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида умумий тушумни ошириш йўллари кўриб чиқамиз. Бунда таҳлил қилиш учун гуруҳлар бўйича қуйидаги маълумотлар жамланди (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар (2000-2020 йил маълумотлари асосида)¹

| | Y | X1 | X2 | X3 | X4 | X5 | x6 | x7 | X8 |
|------|---------|----------|------|-------|---------|--------|----------|---------|------|
| 2001 | 748,7 | 3426,30 | 24 | 3325 | 106,7 | 7,017 | 688,00 | 61,6 | 26,6 |
| 2002 | 798,2 | 3522,40 | 30 | 3510 | 109,266 | 7,305 | 970,00 | 63,9 | 21,6 |
| 2003 | 826,6 | 3746,20 | 26 | 3751 | 111,623 | 7,405 | 980,00 | 110,2 | 3,8 |
| 2004 | 856,4 | 3824,20 | 19 | 4021 | 116,601 | 7,345 | 1058,00 | 157,1 | 3,7 |
| 2005 | 912,3 | 4021,50 | 16 | 4264 | 118,741 | 7,683 | 1180,0 | 203,5 | 7,8 |
| 2006 | 1028,9 | 4556,80 | 15 | 4577 | 121,574 | 8,463 | 1240,00 | 233,4 | 6,8 |
| 2007 | 1287,4 | 5021,40 | 14 | 5786 | 177,01 | 7,273 | 1291,23 | 305,5 | 6,8 |
| 2008 | 1541,2 | 5896,20 | 14 | 6077 | 180,159 | 8,555 | 1393,00 | 403,7 | 7,8 |
| 2009 | 1692,7 | 7015,70 | 14 | 6763 | 192,956 | 8,772 | 1511,40 | 551,4 | 7,4 |
| 2010 | 1 799,3 | 7912,80 | 14 | 7287 | 199,626 | 9,013 | 1640,00 | 1083,1 | 7,3 |
| 2011 | 2 336,9 | 6408,70 | 12 | 7778 | 202,893 | 11,518 | 1795,00 | 1345,6 | 7,6 |
| 2012 | 3 080,7 | 7861,50 | 12 | 8210 | 204,885 | 15,036 | 1985,46 | 1586,0 | 7,0 |
| 2013 | 3 983,4 | 9494,10 | 12 | 8756 | 207,819 | 19,168 | 2202,20 | 2127,6 | 6,8 |
| 2014 | 5 065,9 | 10976,10 | 10 | 9479 | 211,217 | 23,984 | 2422,40 | 2540,4 | 6,1 |
| 2015 | 5 832,9 | 10683,60 | 9 | 10427 | 214,89 | 27,144 | 2809,98 | 3237,2 | 5,6 |
| 2016 | 7 200,5 | 14229,20 | 9 | 11584 | 220,213 | 32,698 | 3231,48 | 3623,5 | 5,7 |
| 2017 | 8 343,2 | 18257,90 | 11,5 | 13142 | 227,068 | 36,743 | 8120,07 | 4384,2 | 14,4 |
| 2018 | 10043,5 | 29260,00 | 14,5 | 15655 | 236,877 | 42,4 | 8336,25 | 7061,4 | 14,3 |
| 2019 | 12786,8 | 34951,20 | 16 | 20517 | 251,215 | 50,9 | 9507,56 | 10266,7 | 15,2 |
| 2020 | 14086,1 | 40655,10 | 15 | 25614 | 263,919 | 53,373 | 10476,92 | 14656,4 | 11,1 |

Одатда натижанинг ўзгариши бир қанча омиллар билан стахостик (билвосита) тарзда боғланидиган бўлса, бундай боғланиш статистикада корреляцион боғланиш деб айтилади. Бундай ҳолда омилларнинг таъсирини корреляция ва регрессия усуллари кўллаб аниқлаш мумкин бўлади. Бироқ натижага жуда кўп омиллар таъсир қилади. Аммо амалиётда барча омилларнинг таъсирини аниқлаш биров мураккаб. Биринчидан, жуда кўп омилларни ҳисобга олиш, уларни рақамларда ифодалаш қийин бўлса, иккинчидан барча омиллар бўйича ҳисоб-китоблар олиб борилмайди. Шу туфайли таҳлил жараёнида ҳисобга олиниши мумкин бўлган ва асосий, деб баҳоланидиган омилларгина таҳлил қилинади. Маълум натижага таъсир этувчи белгилар омиллар, омиллар таъсирида шаклланган белги натижа дейилади².

Натижавий кўрсаткичга омиллар таъсирини аниқлашда асосан жуфт корреляция қўлланилади. Жуфт корреляцияни аниқлаш бизга бир-бирини такрорлайдиган омилларни аниқлаш имконини беради ҳамда натижавий кўрсаткичга таъсир этиш даражаси кучсиз бўлган омилларни аниқлаш учун фойдаланилади. Ушбу усул билан жуфт корреляцияни аниқлаш орқали регрессия тенгламасига киритиладиган омилларни аниқлаб оламиз ва уларни регрессия тенгламасига киритамиз.

¹ Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

² Худайбердиев У.Х., Холиқулов А.Н., Бабаназарова С.А. Статистика. Дарслик. Фан булоғи нашриёти. Самарқанд. 2022. – 113-123-бетлар.

Бунинг учун қуйидаги жуфт коэффициент корреляция формуласидан¹ фойдаланилди:

$$r = \frac{\overline{YX} - \bar{Y} * \bar{X}}{\sigma_Y * \sigma_X} \quad (1)$$

Бунда \bar{Y} , \bar{X} , – натижа ва омилларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўртача миқдорлари;
 \overline{YX} – натижа билан омилларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг кўпайтмаси;
 σ_Y, σ_X -натижавий ва омилларнинг ўртача квадратик четланиши.

Коэффициент корреляциянинг миқдори (-1)дан (+1)гача оралиқдаги боғлиқлик даражасини аниқлаш имконини беради. Коэффициентнинг миқдори қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Коэффициент корреляцис (-1) ва (+1)га қанча яқин бўлса натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик шунча зич бўлади.
2. Агар $r = 0$ бўлса булар ўртасидаги боғлиқлик йўқ, деган хулоса учун асос бўлади.
3. Агар $0 < r < 1$ бўлса ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик бевосита тўғри бўлиб, бир хил йўналишга эга бўлади.
4. $-1 < r < 0$ бўлса улар ўртасидаги боғлиқлик тескари эканлигини кўрамыз.
5. $r = 1$ (-1) бўлса улар ўртасидаги боғлиқлик функционал, деган хулосага келиш учун асос бўлади.

Ушбу формуладан фойдаланган ҳолда компьютердаги “Экзел дастури”ни ва айрим амалларни қўллаб ўзаро такрорланувчи омилларни аниқлаш учун қуйидагича жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси тузилди (2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш корхоналарининг умумий тушуми ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро бир-бири билан жуфт корреляцион боғлиқлиги²

| | Y | X1 | X2 | X3 | X4 | X5 | X6 | X7 | X8 |
|----|---|--------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Y | 1 | 0,9739 | -0,3551 | 0,9797 | 0,8201 | 0,9966 | 0,9599 | 0,9623 | 0,1575 |
| X1 | | 1 | -0,2451 | 0,9799 | 0,7680 | 0,9570 | 0,9685 | 0,9841 | 0,1997 |
| X2 | | | 1 | -0,3725 | -0,7050 | -0,3612 | -0,2416 | -0,2342 | 0,5198 |
| X3 | | | | 1 | 0,8471 | 0,9609 | 0,9446 | 0,9845 | 0,1042 |
| X4 | | | | | 1 | 0,8056 | 0,7430 | 0,7463 | -0,1203 |
| X5 | | | | | | 1 | 0,9516 | 0,9411 | 0,1609 |
| X6 | | | | | | | 1 | 0,9380 | 0,2464 |
| X7 | | | | | | | | 1 | 0,1716 |
| X8 | | | | | | | | | 1 |

Танлаб олинган ва регрессия тенгламасига киритилган омиллар ўзаро чизикли ёки жуда кучли корреляцион боғланишда бўлса, улар маълум даражада бир-бирини такрорлаши натижасида регрессия кўрсаткичлари бузилади. Шу сабабли барча омилларнинг ўзаро боғланиш кучи жуфт корреляция коэффициентини ҳисоблаш йўли билан аниқланиб, бир-бирини такрорлайдиган омиллар тенгламадан чиқариб ташланади. Кейин эса регрессия тенгламасининг маълум параметрлари ($a_0, a_1, a_2, \dots a_n$) аниқланади.

Gretl дастури ёрдамидаги дастлабки таҳлилдан сўнг регрессия тенгламасини тузишда натижавий кўрсаткич (Y) ва X3 омилдан фойдаланиш кераклигини аниқлаб олдик. Кўп омилли регрессион тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = \beta_1 X3 + C + u \quad (2)$$

Бунда: β_1 - X3 омил учун коэффициент

C – эркин ҳад

u – ҳисобга олинмаган омиллар хатолиги

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу модельмиз бир жинсли

¹ Статистика: учебник. / под ред. С.А.Орехова. – М.: Эксмо, 2010. – с. 172.

² Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмаси.

(моносидостичный), чунки ушбу тест учун р-қиймат 0.006 га тенг¹.

Юқорида ўтказилган таҳлиллар натижасида шуни айтишимиз мумкинки, тузилаётган регрессия тенгламаси иқтисодий жиҳатдан мазмунга эга ва у қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$Y = 0.694985 * X_3 - 2060.46$$

Регрессия чизиқли тенгламаси параметрларининг моҳиятли эканлигини текширишда t мезонларидан фойдаланилади. Бунинг учун ҳар бир параметрга мос келган t нинг ҳақиқий қийматларини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади².

$$t_{a0} = \frac{a_0 \sqrt{n-2}}{\sigma_k}; \quad (3) \quad t_{a1} = \frac{a_1 \sigma_x \sqrt{n-2}}{\sigma_k}; \quad (4)$$

Стьюдент меъзони билан текшириш учун биз t_ϕ ни аниқлаб олишимиз керак. t_ϕ қуйидаги формула³ ёрдамида топилди:

$$t_\phi = R \sqrt{\frac{n-p-1}{(1-R^2)}} \quad (5)$$

Ҳисоб-китоблар қуйидаги натижаларни берди. Ишончлилик даражаси $p = 0,95$ бўлганда t- Стьюдент мезонининг жадвал қиймати $t_{ж} = 2,845$ бўлади. Бизда $t_\phi = 20,75$ ни ташкил этди. Демак, $t_\phi > t_{ж}$ ($20,75 > 2,845$). Бу эса, ҳосил қилинган тенгламамиз натижавий кўрсаткич билан омиллар ўртасидаги боғланишни тўғри ифодаланганлигидан далолат беради.

Корреляция индексининг моҳиятли эканлигини Фишер (F) мезони билан текширилади. Мезоннинг (F_{ҳақ}) қиймати

$$F = \frac{i^2}{1-i^2} * \frac{n * m}{m-1} \quad (6)$$

формула ёрдамида аниқланиб, унинг жадвалдаги қиймати билан таққосланади. Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати 430,6331 га тенглиги формула ҳамда Gretl дастури ёрдамидан аниқланди. Жадвалдаги қиймати эса 4,41 га тенг⁴. Демак, $F_{ҳақ} > F_{ж}$ ($430,6331 > 4,41$). Бундан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш корхоналарнинг бир йиллик ўртача даромади билан унга таъсир килувчи омиллар ўртасидаги боғланиш моҳиятлидир.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлилларга кўра ушбу модель учун детерминация коэффиценти $R^2 = 0.9598$ га тенг. Яъни X3 омилнинг келажакдаги ўзгариши U ўзгаришининг қарийб 96% изоҳлаб бера олади, қолган 4% бу ҳисобга олинмаган факторлар ҳиссасига тўғри келади. Юқоридаги регрессия тенгламасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, X3 омилнинг 1 бирликка ўзгариши натижавий кўрсаткичнинг 0.69 бирликка ўзгаришига олиб келади.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида шу нарса маълум бўлдики Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида умумий тушумни ошириш учун энг аввало вилоятда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари сонини кўпайтиришимиз лозим.

| | |
|---|---|
| <p>А. Холикулов</p> <p>Многофакторный корреляционно-регрессионный анализ повышения эффективности предприятий сферы услуг</p> <p>Аннотация: В статье проведен многофакторный корреляционно-регрессионный анализ повышения эффективности предприятий сферы услуг, определен эффект изменения показателя совокупной выручки сферы услуг.</p> <p>Ключевые слова: экономический рост, эффективность, сервис, оказание услуг, сфера услуг, конкурентоспособность предприятий сферы услуг.</p> | <p>A. Kholikulov</p> <p>Multivariate correlation and regression analysis of improving the efficiency of service enterprises</p> <p>Abstract: In the article, a multi-factor correlation-regression analysis of improving the efficiency of service enterprises, the effect of the change in the indicator of the total revenue of the service industry is determined.</p> <p>Keywords: economic growth, efficiency, service, service provision, service sector, competitiveness of service enterprises.</p> |
|---|---|

¹ Jeffrey M. Wooldridge Introductory Econometrics: Modern Approach, USA South-Western Publisher, 2003. p.259-261

² Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Т. Мехнат. 2000. – Б. 212.

³ Кристофер Доугерти. Введения в эконометрику. Учебник. М: Инфра-м. 2009 – С. 111-115.

⁴ Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Т. Мехнат. 2000. – Б.429.